

---

## Асфальт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берган топшириқлар бўйича 7-сонли баёнининг 12-иловасига асосан Риштон туманида 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган ҳудудий инвестиция лойиҳалари тасдиқланган.Мазкур дастур доирасида Риштон тумани Навбахор МФЙ ҳудудидаги Кичик саноат зонасида ташкил этилган “Фарғона обод йўллари” хусусий корхонаси томонидан “Асфальтбетон ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.Маълумот ўрнида, “Фарғона обод йўллари” хусусий корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Ушбу корхонада асфальт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2021-04-26 18:38:27